

Сийрат дарслари (126-дарс). Тақво асосларига қурилган масжид



15:00 / 05.03.2021 3683

485. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Макка ва Мадинадан бошқа ҳар бир юртни дажжол албатта оёқости қилади. Иккисининг ҳар бир йўлини фаришталар саф бўлган ҳолларида қўриқлашади. Кейин Мадина уч марта титрайди ва ундан барча кофир ва мунофиқ у (дажжол) томон чиқади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

486. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уйим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бири бор. Минбарим ҳавзим устидадир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

487. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига аёлларидан бирининг уйидаликларида кириб: «Эй Аллоҳнинг Расули, тақво асосларига қурилган масжид қайси?» дедим. У зот бир сиқим майда тошларни олиб ерга урдилар-да: **«У ушбу масжидингиздир»**, дедилар. Яъни, Мадинанинг масжиди.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан